

УДК. 339.138

*Шоев Алим Халмуратович*

*Магистр, катта ўқитувчи*

*Гулистон давлат университети*

*“Иқтисодиёт” кафедраси*

*Ўзбекистон республикаси, Гулистон шаҳри*

**ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА  
ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ**

*Аннотация:* Мақолада Ўзбекистон олий таълим муассасаларида инклюзив таълим самарадорлигини ошириш йўллари таҳлил қилинган. Ўзбекистон республикаси олий таълим муассасаларида инклюзив таълимни ривожлантиришининг аҳамияти ва зарурияти ўрганилган. Республика олий таълим тизимида охириги йилларда олиб борилаётган ислохотлар таҳлил қилиниб, таълимнинг ушбу шаклини самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

*Калит сўзлар:* инклюзив таълим, ногиронлиги бўлган шахслар, олий таълим, таълим хизматлари, адаптив технологиялар, электрон таълим, масофавий таълим.

*Шоев Алим Халмуратович*

*Магистр, старший преподаватель*

*Гулистанский государственный университет*

*Кафедра “Экономика”*

*Республика Узбекистан, город Гулистан*

**ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНКЛЮЗИВНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ  
УЗБЕКСИТАНА**

*Аннотация:* В статье анализируются пути повышения эффективности инклюзивного образования в высших учебных заведениях

Узбекистана. Изучена важность и необходимость развития инклюзивного образования в высших учебных заведениях Республики Узбекистан. Проанализированы реформы, проводимые в системе высшего образования республики за последние годы, и разработаны рекомендации по повышению эффективности данной формы образования.

**Ключевые слова:** инклюзивное образование, лица с ограниченными возможностями, высшее образование, образовательные услуги, адаптивные технологии, электронное обучение, дистанционное обучение.

**Shoev Alim Khalmuratovich**

**Master, Senior Lecturer**

**Gulistan State University**

**Department of Economics**

**Republic of Uzbekistan, Gulistan city**


## WAYS TO INCREASE THE EFFETIVENES OF INCLUSIVE EDUCATION IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS OF UZBEKISTAN

**Annotation:** The article analyzes ways to increase the effectiveness of inclusive education in higher educational institutions of Uzbekistan. The importance and need for the development of inclusive education in higher educational institutions of the Republic of Uzbekistan has been studied. The reforms carried out in the higher education system of the republic in recent years have been analyzed and recommendations have been developed to improve the efficiency of this form of education.

**Key words:** inclusive education, persons with disabilities, higher education, educational services, adaptive technologies, e-learning, distance learning.

**Кириш.** Олий ўқув юртларининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилларидан бири - бу олий таълим муассасалари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ҳисобланади. Шу сабабли, таълим хизматлари бозорида давлат томонидан тартибга солишнинг таъсири билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш таълим хизматлари бозорининг иқтисодий ривожланиш имкониятларини таъминлашнинг

устувор йўналиши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони<sup>1</sup> билан тасдиқланган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида, шунингдек Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми сифатида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида<sup>2</sup> олий таълим муассасаларига академик<sup>3</sup> ва молиявий бошқарув<sup>4</sup> соҳасида мустақиллик бериш, рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида олий таълим муассасалари сонини кўпайтириш мақсад ва вазифалари белгилаб берилган. Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2022-2023 ўқув йили ҳисобига Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасалари сони 191 тага етди (1-расм).



<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, <https://lex.uz/docs/3107036>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, <https://lex.uz/docs/5841063>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.12.2021 йилдаги ПҚ-60-сон “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, <https://lex.uz/docs/5793261>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.12.2021 йилдаги ПҚ-61-сон “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, <https://lex.uz/docs/5793251>

**1-расм. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасалари сони, бирлик (2022-2023 ўқув йили ҳолатига)<sup>5</sup>**

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”<sup>6</sup>ги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси”<sup>7</sup>да, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.07.2023 йилдаги ПҚ-200-сон “Маъмурий ислохотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори<sup>8</sup>да имконияти чекланган талабаларга кўрсатиладиган таълим хизматлари турларини кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, таълимда инклюзив жараёнларни ривожлантириш, адаптив технологияларни жорий этиш, имконияти чекланган талабаларнинг ижтимоий мослашуви учун кенг шароитлар яратиш, инклюзивлик ғояларини тарғиб қилиш олий таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор вазифалари сифатида белгилаб берилган.

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур ишнинг услубий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикасининг инклюзив таълимни ривожлантириш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, диалектик ва статистик методлар, адабиётлар ва даврий маълумотлар таҳлили, шунингдек, тадқиқотга шахсий ва ижодий ёндашув хизмат қилади.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистон республикасида 2023 йил сентябрдан бошлаб, инклюзив таълим олувчилар учун шарт-шароитлар

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, <https://lex.uz/docs/4545884>

<sup>7</sup> “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси”, <https://lex.uz/docs/4545884>

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.07.2023 йилдаги ПҚ-200-сон “Маъмурий ислохотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, <https://lex.uz/docs/6518515>

яратиш, кўриш, эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган шахсларнинг саводхонлигини ошириш ҳамда сурдотаржимонлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш кўзда тутилган<sup>9</sup>. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда олий таълимда таҳсил олаётган ногиронлиги мавжуд шахсларнинг статистикасини юритиш талабга мутлақо жавоб бермайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон Фармони<sup>10</sup>, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 июндаги 417-сон қарори<sup>11</sup> асосида олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишда икки фоизли квота ажратилиши кўзда тутилганлигини инобатга олсак, бугунги кунда мамлакат олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ногиронлиги мавжуд талабаларнинг статистикаси ўсиш тенденциясига эгаллигини кузатишимиз мумкин, аммо ногирон талабалар учун ажратилган ўринлар тўлдирилмасдан қолмоқда.

Ногиронлиги мавжуд шахсларнинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларидан фаол иштирокини таъминлаш замонавий Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққиётини таъминлашнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Ногиронлиги мавжуд шахслар ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиши, эркин ҳаракатланиши, тиббий хизмат олиши, самарали меҳнатда банд бўлиши, реабилитация ва таълим курсларидан фойдаланишлари лозим.

Имконияти чекланган шахсларни ўқитиш муаммоси инклюзив таълим, шунингдек, махсус таълимнинг ҳам марказий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Халқаро амалиётга инклюзив таълим тизимининг жорий этилиши интеграцияни ўзини ҳам, унинг усулларининг ҳам турли шакллари

<sup>9</sup> <https://lex.uz/docs/6518515>

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.12.2017 йилдаги ПФ-5270-сон “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, <https://lex.uz/docs/3436192>

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.2018 йилдаги 417-сон “Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори, <https://lex.uz/docs/3765153>

шакллантириш ва ривожлантиришга ёрдам берди, бу эса ушбу тизимни янада мослашувчан ва таълим жараёнининг замонавий талабларига мослаштирди<sup>12</sup>.

Ногирон болалар ва катта ёшдаги имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоий инклюзияси ногиронлиги мавжуд шахсларга соғлиқни сақлаш, реабилитация ва реабилитация учун ёрдамчи воситалари, иқтисодий ва ижтимоий таъминот, ўқитиш ва кўникмаларни ривожлантириш билан боғлиқ асосий эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, ногиронлар жамоасида биргаликда кун кечиришга имкон яратган ҳолда, институционал ва таркибий тўсиқларни бартараф этувчи кўп секторли ёндашувдан фойдаланиш ва кенг кўламли ўзгаришларни амалга оширишни талаб қилади.

Ушбу йўналишдаги стратегия ижтимоий ҳимоя, шунингдек ижтимоий хизматларнинг асосий дастурларига, ҳамда ногиронлар учун янги дастур ва хизматларга сармоя киритишга қаратилган бўлиши керак:

- ушбу тоифадаги фуқароларни ҳимоя қилиш соҳасидаги Қонунчилик ва давлат дастурларини БМТнинг ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси қоидалари ва тамойилларига мувофиқлаштириш талаб қилинади; ногиронлар билан боғлиқ статистика ва маълумотларни йиғиш тизимини умумқабул қилинган тушунчалар ва воситалар асосида уйғунлаштириш; шунингдек, БМТнинг ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясининг миллий даражадаги қоидаларини идоралараро мувофиқлаштириш ва бажарилишини назорат қилиш механизмларини кучайтириш;

- ногиронлиги мавжуд шахсларни кенгроқ қамраб олиш борасида ногиронлиги мавжуд шахсларнинг манфаатларини ифодаловчи

---

<sup>12</sup> Шоев, А. Х. (2023). ПРОБЛЕМЫ ОХВАТА ВЫСШИМ ОБРАЗОВАНИЕМ И ТРУДОУСТРОЙСТВА ЛИЦ С ОГРАНИЧЕННЫМИ ВОЗМОЖНОСТЯМИ ЗДОРОВЬЯ В УЗБЕКИСТАНЕ. *ББК 1 P76*, 258. [https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&hl=ru&cites=18385108158787370340&as\\_sdt=5](https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&hl=ru&cites=18385108158787370340&as_sdt=5)

маҳаллий нодавлат-нотижорат ташкилотлари (ННТ) имкониятларини кенгайтириш тавсия қилинади;

- мазкур тоифадаги фуқароларга нисбатан меъёрлар ва ҳатти-ҳаракатларни ўзгартириш, барча, шу жумладан ногиронлар учун ҳаммабоп муҳит (инфратузилма) тамойилини жорий этиш муҳим саналади;

- ногиронларга ғамхўрлик қилиш бўйича ижтимоий хизматларни фаол ривожлантириш ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) тавсиялари асосида маҳаллий ҳамжамият даражасида маҳалла институтидан фойдаланган ҳолда, ногиронлиги мавжуд шахсларни реабилитация қилиш амалиётини жорий этиш; шунингдек, ногиронларни таълим ва ишга кенг жалб этиш амалиётини рағбатлантириш ногиронларни фаол ижтимоийлаштириш дастурининг бир қисмига айланиши лозим;

- ногирон болалар ва ёшларни таълимга кенгроқ жалб қилишда бино ва иншоотлар, олий ўқув юртлари аудиторияларини ногиронлиги мавжуд шахсларнинг эҳтиёжларига мослаштириш масаласини ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади;

- ногиронларни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус хизматларнинг ташкил этилиши ижтимоийлашув ва ҳаётини кўникмаларни эгаллашга ёрдам беради. Инклюзив таълим ғоясини ҳаётга изчил жорий этишда “Биз турлича бўлсакда, аммо тенгмиз” тамойилидан келиб чиқиб иш кўриш тавсия этилади.


Бугунги кундаги ҳолат Ўзбекистонда ногиронлиги мавжуд шахсларнинг жамиятда мустақил кун кечира олишларига имкон бермайди, бу эса ўз навбатида ижтимоий соҳада давлатнинг ислохотчилик ўрнини мустаҳкамлашни талаб қилади. Мустақил ҳаётга қадам қўйиш ва инклюзия миллий манфаатлар ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, тегишли тавсиялар асосида амалга оширилиши лозим, бунда

ногирон ёшларни таълим олиш имкониятини таъминлаш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Юқорида тилга олиб ўтилган жиҳатлар юқори кириш тўсиқларини келтириб чиқаради ва шу билан бир қаторда, таълим хизматларини маркетинг воситалари ва усулларидан фойдаланган ҳолда тадқиқ қилиш имкониятларининг чекланишига олиб келади.

Шу мақсадда олий таълим муассасалари томонидан кўрсатилаётган таълим хизматлари, шу жумладан инклюзив таълим самарадорлигини ошириш борасида таълим кластерини йўлга қўйишга асосланган таълим хизматларини мақбуллаштириш алгоритми тавсия қилинади.





**2-расм. Маркетинг воситаларидан фойдаланган ҳолда, олий таълим муассасаларида инклюзив таълим самарадорлигини мақбуллаштириш алгоритми<sup>13</sup>**

Таклиф этилаётган алгоритмнинг марказида (2-расм) олий таълим хизматлари, шу жумладан инклюзив олий таълим сифатини оширишга қаратилган маркетинг маҳсулоти сифатида маркетинг воситалари жойлаштирилган.

<sup>13</sup> Муаллиф ишланмаси.

Таълим хизматлари бозорининг иқтисодий ривожланишини таъминлаш манфаатларини кўзлаб тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган мақбуллаштириш алгоритмининг биринчи босқичи таълим хизматлари бозорида қулай шарт-шароитларни яратишда ўз ифодасини топади. Хусусан, таълим кластери субъектларининг кластерли ўзаро таъсирини қўллаб-қувватлаш борасида норматив-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи ҳужжатлар ишлаб чиқилиши лозим. Бу борада таълим тизимини модернизация қилиш, таълим муассасалари ва таълим дастурларининг ўзаро интеграциясини назарда тутувчи Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш муҳим ўрин тутади.

Ушбу соҳадаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қўшимча касбий таълим дастурларини амалга оширишда электрон таълим, масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш бўйича қабул қилинган ҳуқуқат қарори ҳисобланади<sup>14</sup>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.10.2022 йилдаги 559-сон “Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган “Олий таълим ташкилотларида масофавий таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низомда масофавий таълимни ташкил этишда ногиронлиги мавжуд шахсларнинг имкониятлари эътиборга олинмаган. Шу билан бир қаторда, ўқув-методик ресурслар Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти O‘zDSt 36.2030 - “Электрон таълим” миллий тизимига киритилган электрон методик комплекслар ва бошқа таълим ресурсларига ягона талаблар”га мувофиқ бўлиши лозимлиги белгиланган бўлсада, юқорида тилга олиб ўтилган стандартда инклюзив таълим жиҳатлари эътиборсиз қолдирилган.

Шу билан бир қаторда, ўқитиш муддатлари ва ҳажмлари, олий таълим муассасаларининг электрон ахборот-таълим муҳити, шунингдек

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.10.2022 йилдаги 559-сон “Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, <https://lex.uz/docs/6221502>

Ўқув дастурларининг моддий-техник ва ўқув-услубий таъминоти соҳасида масофавий ўқитиш шаклига қўшимча талаблар қўйилиши лозим. Бу масофавий шаклда таълим хизматларини кўрсатиш жараёни ва натижаларига қўйиладиган талабларни аниқ белгилаш, ниҳоят уни бошқа таълим шакллари билан бир қаторда белгилаш имконини беради.

Алгоритмнинг иккинчи босқичи кластерлаштириш жараёнини йўлга қўйишни кўзда тутди. Ушбу босқичнинг вазифаси олий таълим муассасалари кластери орқали бозорга кириш борасида тўсиқларни камайтириш ва уларнинг паст даражасини сақлаб қолишда намоён бўлади. Бунда кластер орқали бозорга кириш тўсиқларини бартараф қилишда “лицензия дарчалари” ни яратиш муҳим восита ҳисобланади. Ташкилий нуқтаи назардан, таълим фаолиятини лицензиялаш унинг юқори сифатини кафолатлашни кўзда тутса, аммо иқтисодий нуқтаи назардан, ушбу сифатга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар технологик жараённинг ўзига хос хусусиятларига қараб ўзгаришга юз тутди.

Алгоритмнинг учинчи босқичи-таълим хизматлари бозорини кластерлаштириш жараёнини кузатиш ва назорат қилишдан иборатдир. Ушбу босқичнинг вазифаси кластер таркибига кирган олий таълим муассасалари ва иштирокчи ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган таълим хизматлари сифатини баҳолашни кўзда тутди. Маълумотларни йиғиш ва манфаатдор томонлар (талабалар, ходимлар, битирувчилар, иш берувчилар) билан тескари алоқани йўлга қўйиш бунда муҳим восита сифатида хизмат қилади. Бунинг учун эндигина амалиётга кириб келаётган таълим хизматлари аудитини йўлга қўйиш муҳим саналади. Таълим хизматлари аудити олий таълим муассасалари фаолиятини замонавий шароитда лицензиялашда амалга ошириладиган анъанавий мониторинг ва назорат-текшириш фаолиятини назарда тутди.

Ишлаб чиқилган алгоритм доирасида уларни олий таълим муассасалари томонидан кўрсатилаётган таълим хизматлари, жумладан

инклюзив таълим сифатини баҳолаш чоралари билан тўлдириш тавсия қилинади. Ушбу тавсиянинг мантиғи шундан иборатки, Ўзбекистондаги кўпгина олий таълим муассасалари (миқдорий кўрсаткичлар бўйича) ўз фаолиятини лицензиялаш талабларига жавоб берсада, амалда эса, уларнинг аксарияти (сифат кўрсаткичлари бўйича) давлат таълим стандарти талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Шу муносабат билан олий таълим муассасаси фаолиятини нафақат миқдорий, балки сифат кўрсаткичлари асосида ҳам мониторинг ва назорат қилиш зарур. Бунинг учун олий таълим муассасаси фаолиятидан манфаатдор томонларнинг фикр-мулоҳазаларини тўплаш борасида электрон ҳукумат портали имкониятларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Тескари алоқа бўйича маълумотларни тўплаш ва олий таълим муассасаси фаолиятини сифатли баҳолаш натижалари асосида маълумотларни автоматлаштирилган қайта ишлаш ва жамлаш натижалари ҳамма учун очиқ бўлиши лозим.

Шу билан бирга, таълим хизматлари, шу жумладан инклюзив таълим самарадорлигини назорат қилишга масъул бўлган идора ва ташкилотлар тескари алоқа ташаббускорлари билан тўғридан-тўғри боғланиш, ўрганиш давомида вужудга келган саволларга ойдинлик киритиш имкониятига эга бўлишлари лозим. Ушбу жараёнларнинг очиқлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги жадвал намуналаридан фойдаланиш таклиф қилинади (1-5-жадваллар). Баҳолашни беш балли шкала бўйича синов усулида ўтказиш таклиф этилади, бунда 1-энг ёмон натижа (энг паст балл), 5-энг яхши натижа (энг юқори балл).

1-жадвалдан кўриниб турибдики, мазкур олий таълим муассасаси талабалари томонидан олий таълим хизматлари (инклюзив таълим) сифатини баҳолаш қуйидаги мезонлардан фойдаланишни назарда тутати:

- фанларни ўқитиш даражаси: ўқув материаллари, моддий-техник жиҳозларнинг мавжудлиги, қулайлиги ва бойитилганлиги, профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ва шу кабилар;
- талабалар билимини баҳолаш тизимининг шаффофлиги: талабаларнинг амалда ўзлаштирган билимларининг уларга берилган баҳоларга мослиги;

### 1-жадвал.

#### Олий таълим муассасалари талабалари томонидан олий таълим (инклюзив таълим) хизматларини баҳолаш учун сўровнома шакли<sup>15</sup>

Олий таълим муассасаси томонидан кўрсатилувчи таълим хизматларини баҳолаш мезонлари	Баллар асосида баҳолаш (1-энг ёмон натижа, 5-энг яхши натижа)					Изоҳлар
	1	2	3	4	5	
Фанларни ўқитиш даражаси						
Талабалар билимини баҳолаш тизимининг шаффофлиги						
Талабаларга (шу жумладан ногиронлиги мавжуд талабалар) хизмат кўрсатиш даражаси						
Санитария меъёрларига риоя қилиш						
Таълим хизматлари кўрсатиш нархи ва сифати нисбати						
Мазкур олий таълим муассасасида таълим олиш кутилмаларига амалдаги ҳолатнинг мослиги						

- хизмат кўрсатиш даражаси (ўқув жараёнидан ташқари): олий таълим муассасаси хизмат кўрсатувчи тузилмалар (деканат, ҳисобхона, ректорат, ходимлар билан ишлаш бўлими, ошхона, ётоқхона, кутубхона ва шу кабилар) иш фаолиятининг талабалар учун қулайлиги;
- санитария меъёрларига риоя қилиш, ногиронлиги мавжуд шахслар учун ўқув ва ёрдамчи биноларнинг мослаштирилганлиги: биноларни тозалаш ва шамоллатиш сифати, уларнинг ёритилиши, ногирон ёки алоҳида таълим эҳтиёжи мавжуд шахслар учун бинолар ва ўқув хоналарининг мослаштирилганлиги ва бошқалар;

<sup>15</sup> Муаллиф ишланмаси.

- таълим хизматларининг нархи ва сифати нисбати: мазкур олий таълим муассасасида таълим олишнинг истеъмол қиймати;
- ушбу олий таълим муассасасида таҳсил олишнинг кутилмаларга мослиги: олий таълим муассасасининг талабалар ўртасидаги бозор обрўси ва унинг амалдаги фаолиятини қиёслаш.

## 2-жадвал.

### Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари томонидан олий таълим хизматлари сифатини баҳолаш учун сўровнома шакли<sup>16</sup>

Олий таълим муассасаси томонидан кўрсатилувчи таълим хизматларини баҳолаш мезонлари	Баллар асосида баҳолаш (1-энг ёмон натижа, 5-энг яхши натижа)					Изоҳлар
	1	2	3	4	5	
Моддий-техник жиҳозланиш ҳолати						
Санитария меъёрларига риоя қилиш						
Меҳнат муҳофазаси ва қулай меҳнат шароитлари						
Олий таълим муассасасини бошқариш сифати						
Талабалар контингенти						
Талабалар билимини баҳолашнинг шаффофлиги						
Иш ҳақи ва меҳнат юкламасининг нисбати						
Мазкур олий таълим муассасасида ишлашнинг кутилмаларга мослиги						

2-жадвалдан кўришиб турибдики, олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари томонидан олий таълим хизматлари сифатини баҳолаш учун таклиф этилаётган сўровнома шакли қуйидаги мезонлардан фойдаланишни назарда тутди:

- моддий-техник жиҳозланиш ҳолати: бинолар, асбоб-ускуна ва жиҳозлар, ногиронлиги мавжуд шахсларнинг улардан фойдаланишлари борасида яратилган қулайликлар ва бошқалар;
- санитария меъёрларига риоя қилиш: биноларни тозалаш ва шамоллатиш сифати, уларнинг ёритилиши, ногиронлиги мавжуд шахслар

<sup>16</sup> Муаллиф ишланмаси.

учун меъёр ва стандартлардан келиб чиққан ҳолда яратилган санитария шарт-шароитлари ва шу кабилар;

- меҳнат шарт-шароитлари: жадвалларнинг қулайлиги, иш ҳажми даражаси, меҳнат стандартлари ва меҳнатни рағбатлантириш тизимларининг объективлиги ва бошқалар;

- олий таълим муассасасини бошқариш сифати: кузатув кенгашлари, маъмурият тузилмаларининг фаолияти;

- талабалар контингенти: бирламчи (олий таълимгача) тайёргарлик даражаси, ўрганиш қобилияти, тартиб-интизом, ногирон ва алоҳида таълим эҳтиёжлари мавжуд талабалар сони ва шу кабилар;

### 3-жадвал.

#### Олий таълим муассасаси битирувчилари томонидан кўрсатилаётган олий таълим хизматлари сифатини баҳолаш учун сўровнома шакли<sup>17</sup>

Олий таълим муассасаси томонидан кўрсатилувчи таълим хизматларини баҳолаш мезонлари	Баллар асосида баҳолаш (1-энг ёмон натижа, 5-энг яхши натижа)					Изоҳлар
	1	2	3	4	5	
Олинган таълим асосида ишга жойлашиш имконияти						
Касбий фаолиятни амалга оширишга тайёрлик даражаси						
Олинган таълим даражаси асосида мансаб бўйича ўсиш имкониятлари						
Ўқитиш нархи ва сифати нисбати						
Олий таълим муассасасида таълим олишнинг бирламчи қутилмаларга мослиги						
Олий таълим муассасасида таълимни давом эттиришга тайёрлик						
Олий таълим муассасасида яратилган инклюзив муҳит						

- талабаларнинг билимларини баҳолаш тизимининг объективлиги: талабаларнинг амалда ўзлаштирган билимларининг уларга берилган баҳоларга мувофиқлиги;

<sup>17</sup> Муаллиф ишланмаси.

- иш ҳақи ва меҳнат юкламасининг нисбати: мазкур олий таълим муассасасида меҳнат қилишнинг қабул қилинган қиймати;

- ушбу олий таълим муассасасида меҳнат қилишнинг кутилмаларга мувофиқлиги: олий таълим муассасасининг ўқитувчилар ўртасидаги бозор обрўси ва унинг амалдаги фаолиятини қиёслаш.

3-жадвалдан кўриниб турибдики, ушбу олий таълим муассасаси битирувчилари томонидан олий таълим хизматлари сифатини баҳолаш шакли қуйидаги мезонлардан фойдаланишни назарда тутди:

- таълим билан боғлиқ ҳолда, ишга жойлашиш имкониятлари: меҳнат бозорида олинган касб бўйича бўш иш ўринларининг мавжудлиги, потенциал ва мавжуд иш берувчиларнинг мазкур олий таълим муассасаси битирувчиларига муносабати ва бошқалар;

**4-жадвал.**



**Иш берувчилар томонидан олий таълим муассасаси томонидан  
кўрсатилаётган таълим хизматлари сифатини баҳолаш учун  
сўровнома шакли<sup>18</sup>**

Олий таълим муассасаси томонидан кўрсатилувчи таълим хизматларини баҳолаш мезонлари	Баллар асосида баҳолаш (1-энг ёмон натижа, 5- энг яхши натижа)					Изоҳлар
	1	2	3	4	5	
Касбий фаолиятни амалга оширишга тайёрлик даражаси						
Бошқа олий таълим муассасалари битирувчилари билан солиштирганда касбий фаолиятни амалга оширишга тайёрлик даражаси						
Таълим тўғрисидаги ҳужжат (диплом) бўйича олинган билим, ўзлаштирилган кўникмаларнинг ҳақиқатга мослиги						
Битирувчиларни ишга қабул қилишнинг бирламчи кутилмаларга мослиги						
Олий таълим муассасасида таълим олишнинг бирламчи кутилмаларга мослиги						
Олий таълим муассасасининг бошқа битирувчиларини ишга қабул қилишга тайёрлик						

- касбий фаолиятни амалга оширишга тайёрлик: талаб қилинувчи компетенцияларнинг мавжудлиги (назарий билимлар, амалий кўникма ва тажрибалар);
- таълим билан боғлиқ ҳолда, мансаб бўйича ўсиш имкониятлари: мартаба учун зарур компетенцияларнинг мавжудлиги;
- таълим хизматлари нархи ва сифатининг нисбати: мазкур олий таълим муассасасида таълим афзалликларининг харажатларга нисбати;
- ушбу олий таълим муассасасида таълим олиш натижаларининг дастлабки тахминларга мослиги: олий таълим муассасасининг талабалар ўртасидаги бозор обрўсини битирувчилар учун ҳақиқий натижалар билан таққослаш;

<sup>18</sup> Муаллиф ишланмаси.

- мазкур олий таълим муассасасида ўқишни давом эттиришга тайёрлик: кўшимча олий маълумот олиш, малака ошириш ва шу кабилар.

олий таълим муассасасида яратилган инклюзив муҳит: олий таълим муассасасида таҳсил олувчи ўғил ва қиз бола талабалар нисбати, ногиронлиги мавжуд бўлган талабаларга бўлган муносабат ва уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

4-жадвалдан кўриниб турибдики, олий таълим муассасаси битирувчиларининг иш берувчилари томонидан олий таълим хизматлари сифатини баҳолаш шакли қуйидаги мезонлардан фойдаланишни назарда тутди:

- касбий фаолиятни амалга оширишга тайёрлик: барча зарур компетенцияларнинг мавжудлиги (назарий билимлар, амалий кўникма ва тажрибалар);

- бошқа олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан таққослаганда касбий фаолиятни амалга оширишга тайёрлик: умуман олганда меҳнат бозори ва шу билан бир қаторда, ушбу корхона доирасида битирувчиларнинг рақобатбардошлиги;

- таълим тўғрисидаги ҳужжат (диплом) мазмуни (ўзлаштирилган фанлар ва улар бўйича олинган баҳолар)нинг ҳақиқатга мослиги: талаб қилинувчи компетенцияларнинг қай даражада ўзлаштирилганлигини баҳолаш;

- олий таълим муассасаси битирувчиларини ишга қабул қилиш натижаларининг дастлабки тахминларга мувофиқлиги: олий таълим муассасасининг иш берувчилар ўртасидаги бозор обрўси ва битирувчиларининг касбий тайёргарлиги даражасини таққослаш:

- мазкур олий таълим муассасасининг бошқа битирувчиларини ҳам ишга ёллашга тайёрлик: мазкур олий таълим муассасаси битирувчиларини ёллаш бўйича тўпланган тажриба ва унинг янги битирувчилари борасида кутилмалар.

Тескари алоқа учун мўлжалланган алоқа каналлари ёки портал орқали манфаатдор шахсларнинг тегишли тоифаларининг вакиллари томонидан тўлдирилган шакллардаги маълумотларни автоматлаштирилган қайта ишлашда қуйидаги жадвал шаклидан фойдаланиш тавсия қилинади (5-жадвал).

### 5-жадвал.

#### Олий таълим (шу жумладан инклюзив таълим) хизматлари сифатини баҳолаш натижаларини қайта ишлаш ва хулоса қилиш шакли<sup>19</sup>

Баҳолашларнинг умумий сонида “1” ва “2” баҳоларнинг улуши	Баҳолашларнинг ўртача арифметик қиймати (бутун сонгача яхлитланади)				
	1	2	3	4	5
30 фоиздан кам	жуда паст сифат	паст сифат	ўртача сифат	юқори сифат	жуда юқори сифати
30 фоиздан кўп			паст сифат	ўртача сифат	юқори сифати

Жадвалдан кўриниб турибдики, олий таълим муассасаси томонидан тақдим этилаётган таълим хизматлари сифатини баҳолаш натижаларини автоматлаштирилган қайта ишлаш уларнинг ўртача арифметик қийматини топишни ўз ичига олади. Бироқ, баҳолаш натижаларини талқин қилишда нафақат кўрсаткичларнинг умумий қийматлари, балки уларнинг тузилмаси ҳам ҳисобга олинади. “1” ва “2” баҳолар манфаатдор томонларнинг олий таълим муассасаси фаолиятидан қониқмаслигини кўрсатади. Шунинг учун, агар ушбу баҳоларнинг умумий сонидаги улуши 30% дан ошса, бу олий таълим муассасаси фаолиятидан норози бўлган кўплаб манфаатдор томонларнинг мавжудлигини кўрсатади ва унинг сифати паст баҳоланади. Олий таълим муассасаси томонидан тақдим этилаётган таълим хизматлари сифатининг чегара даражаси сифатида ўртача сифатни белгилаш тавсия қилинади.

<sup>19</sup> Муаллиф ишланмаси.

Алгоритмнинг тўртинчи босқичи олий таълим муассасалари кластеридан умумий “ўйин қоидаларини” бузган ўйинчиларни чиқариб ташлашни кўзда тутади. Ушбу босқичда таълим хизматлари самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилаётган иштирокчилар аниқлаштирилади ва улар умумий жараёндан чиқариб юборилади.

Бу шуни англатадики, агар мониторинг натижалари анъанавий аудит (миқдорий баҳолаш) натижаларига кўра ҳам, олий таълим муассасаси фаолиятини сифат жиҳатдан баҳолаш натижаларига кўра ҳам салбий бўлса (3-расмда “- / - “ белгиси билан кўрсатилган), олий таълим муассасасининг кластердаги иштироки тугатилади ёки узайтирилмайди. Агар мониторинг натижалари анъанавий аудит (миқдорий баҳолаш) натижаларига кўра ҳам, университет фаолиятини сифат бўйича баҳолаш натижаларига кўра ҳам ижобий бўлса (3-расмда “+ / + “ белгиси билан кўрсатилган), олий таълим муассасасининг кластерда иштирок этиш шартномаси узайтирилади ва олий таълим муассасаси фаолияти устидан қўшимча назорат талаб қилинмайди.

Агар натижалар фақат баҳолаш турларидан бири (сифат ёки миқдорий) натижаларига кўра ижобий бўлса (3-расмда бу “+ / -“ белгиси билан кўрсатилган), унда олий таълим муассасасининг кластердаги иштироки тўғрисидаги шартнома узайтирилади, аммо келгусида унинг фаолияти қўшимча тартибга солинади.

Бундай тартибга солиш қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни ўз ичига олади:

- олий таълим муассасаси фаолиятидаги муаммоларни аниқ ва ишончли аниқлаш мақсадида олий таълим муассасаси талабалари ва ўқитувчилари ўртасида қўшимча аудит ва қўшимча социологик сўровларни ўтказиш орқали, олий таълим муассасаси устидан чуқурлаштирилган мониторинг ва назоратни кучайтириш;

- олий таълим муассасаси раҳбариятига аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича консалтинг ёрдами кўрсатиш;
- олий таълим муассасаси фаолиятида аниқланган муаммолар ва камчиликлар тўғрисида барча манфаатдор томонларни хабардор қилиш, уни жиддий камчиликлар аниқланган олий таълим муассасалари расмий реестрига киритиш орқали электрон порталда эълон қилиш;
- аниқланган муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш ва олий таълим муассасаси ишидаги муҳим камчиликларни бартараф этиш учун талаб қилинувчи (муаммоларнинг мураккаблиги ва уларни ҳал қилиш учун зарур бўлган вақтга қараб) муайян вақтдан кейин такрорий мониторинг ва назорат ўтказиш;
- аниқланган муаммоларни ҳал этиш ва олий таълим муассасаси фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида барча манфаатдор томонларни электрон портал орқали хабардор қилиш.

Юқорида баён қилинган алгоритм Ўзбекистонда қўлланилувчи олий таълим хизматлари бозорини давлат томонидан тартибга солиш борасидаги алгоритмга нисбатан қуйидаги афзалликларни таъмин этади:

- рақобатни рағбатлантириш: таълим хизматлари бозорига янги ўйинчиларнинг кириб келишидаги тўсиқларда “лицензия дарчалари”нинг яратилиши ушбу бозорда юқори даражадаги рақобатни ошириш ва қўллаб-қувватлаш учун қулай шароит яратади;
- таълим хизматлари бозорининг такомиллаштирилган мониторинги ва назорати: ушбу баҳолаш жараёнига турли тоифадаги манфаатдор томонлар вакиллари жалб қилиш ва анъанавий миқдорий усулларни сифатли баҳолаш усуллари билан қўшиш янада тўлиқ, аниқ, объектив ва ишончли натижаларга эришишга имкон беради.

**Хулоса.** Ўзбекистонда инклюзив олий таълим тизимини ривожлантиришда ижтимоий маркетинг воситаларидан самарали

фойдаланиш истиқболларини тадқиқ қилиш асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Олий таълимнинг давлат таълим стандартларидан келиб чиққан ҳолда, инклюзив таълим шароитида рақамли технологиялардан фойдаланиш ахборот муҳитидан ўқиш ва ўрганиш воситаси сифатида фойдаланиш лаёқатига эга бўлиш; ахборот муҳитида меҳнат фаолиятини амалга ошириш қобилиятини шакллантириш; ахборотлашган жамиятда рақобатбардош, мустақил ҳаёт кечиришга тайёр шахсни шакллантириш; ўз таълим траекториясини режалаштириш ва амалга ошириш каби вазифаларни ҳал этишга имкон беради.

2. Инклюзия шароитида рақамли таълим муҳитининг ҳолатини таҳлил қилиш асосида, уни ривожлантириш учун ўқув жараёнининг барча иштирокчилари, шу жумладан алоҳида таълим эҳтиёжлари мавжуд шахсларнинг электрон таълим орқали ўзаро таъсирини таъминлаш лозим.

3. Электрон таълимда масофавий ўқитиш жараёнининг барча иштирокчиларининг педагогик ўзаро таъсирининг турли усуллари ва технологиялари орқали синхрон ва асинхрон режимда ишлашнинг комбинациясини, шунингдек гуруҳли ва яқка тартибдаги таълим шакллари таъминлаш муҳимдир.

4. Ногирон ёшларни меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилари таркибига киритиш уларнинг касбий реабилитацияси ва жамиятга интеграциялашуви самарадорлигининг асосий кўрсаткичи эканлигини таъкидлаш муҳимдир.

5. Маҳаллий бозорда олий таълим муассасасини маркетинг тамойиллари асосида бошқариш самарадорлигини оширишда таълим кластерларини ташкиллаштириш муҳим ўрин эгаллайди, бундай ёндашув олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини ошириш, инклюзив таълим муҳитини яратишга хизмат қилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, <https://lex.uz/docs/3107036>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли “ 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, <https://lex.uz/docs/5841063>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.12.2021 йилдаги ПҚ-60-сон “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, <https://lex.uz/docs/5793261>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.12.2021 йилдаги ПҚ-61-сон “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, <https://lex.uz/docs/5793251>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, <https://lex.uz/docs/4545884>
6. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси”, <https://lex.uz/docs/4545884>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.07.2023 йилдаги ПҚ-200-сон “Маъмурий ислохотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, <https://lex.uz/docs/6518515>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.12.2017 йилдаги ПФ-5270-сон “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, <https://lex.uz/docs/3436192>

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.2018 йилдаги 417-сон “Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни кўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори, <https://lex.uz/docs/3765153>

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.10.2022 йилдаги 559-сон “Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, <https://lex.uz/docs/6221502>

11. Шоев, А.Х. “ПРОБЛЕМЫ ОХВАТА ВЫСШИМ ОБРАЗОВАНИЕМ И ТРУДОУСТРОЙСТВА ЛИЦ С ОГРАНИЧЕННЫМИ ВОЗМОЖНОСТЯМИ ЗДОРОВЬЯ В УЗБЕКИСТАНЕ” Polish Journal of Science № 35-2, стр.29 2021 г.